Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 16-may, payshanba № 60 (3253)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Олий суди раиси Вячеслав Лебедев раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Олий судда учрашув

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувда қайд этилганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Россия Федерацияси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларга юқори баҳо берди.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистоннинг нефт-газ соҳасидаги улкан салоҳияти

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида «Ўзбекистон нефт ва гази — OGU 2013» ўн еттинчи халқаро кўргазмаси очилди.



Тадбир «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ITE Uzbekistan, ITE Exhibitions & Conferences (Буюк Британия), ITE China (Хитой), GIMA (Германия) каби халқаро компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, нефт-газ соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Нефт-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидандир. Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида табиий газ қазиб олиш бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Кейинги йигирма йилда Ўзбекистон нефт ва газ саноатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатимиз газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефт маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди.

— «Ўзбекистон нефт ва гази» халқаро кўргазмасининг илмий-техник аҳамияти жуда катта, — дейди «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бош мутахассиси Санжар Бердиев. — Мазкур анжуман соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга, мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга, саноатимизни ривожлантиришга хизмат қилаётир. Компаниямиз томонидан 2008-2012 йилларда амалга оширилган 475 лойиҳа самарасида қўшимча равишда 19,9 миллион метр кубга тенг табиий газ, 126,8 минг тонна нефт, 717, 5 минг тонна газ конденсати ва 69,1 минг тонна пропан-бутан фракцияси ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришга татбиқ этилган инновацион лойиҳалар асосида 36 турдаги 126,5 тонна инновацион маҳсулот ишлаб чиқарилди. Компаниямиз, шунингдек, мамлакатимизда 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари давомида соҳага оид институт ва илмий ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар билан жами 9,5 миллиард сўмлик 120 шартнома тузди. Мазкур халқаро кўргазмада ҳам кўплаб фойдали шартномалар тузиш ниятидамиз.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит, кенг имконият ва имтиёзлар чет эллик ишбилармонларнинг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. «Ўзбекистон нефт ва гази» кўргазмаси иштирокчилари сафининг йил сайин кенгайиб бораётгани эса юртимиз нефт-газ саноати салоҳиятининг юксалаётганидан яна бир далолатдир. Бу галги кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Австрия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Вьетнам, Германия, Дания, Жанубий Корея, Италия, Полша, Россия, Руминия, Украина, Франция каби ўттизга яқин мамлакатдан бир юз олтмишдан зиёд етакчи фирма ва компания қатнашмоқда.

— Ўзбекистон — нефт-газ саноати соҳасида улкан салоҳият ва имкониятларга эга мамлакат, — дейди Хитойнинг «BGP International» компаниясининг маркетинг бўйича мувофиқлаштирувчиси Жанг Ли. — Хитой нефт-газ соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор. Биз геофизика-қидирув ишларини олиб бориш борасида ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ниятидамиз.

Кўплаб мамлакатларнинг ёқилғи-энергетика мажмуи раҳбарлари, олим ва мутахассислар, ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этаётган «OGU 2013» кўргазмаси нефт-газ соҳаси борасида фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро фойдали бизнес алоқаларини ўрнатиш ва мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги шартномалар имзолаш имконини беради.

«OGU 2013» кўргазмаси доирасида «Ўзбекистон нефт ва газ тармоғида хориж сармояси ва замонавий технологиялар» мавзуида халқаро нефт-газ конференцияси ўтказилади.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ

Замонавий мажмуалар

Бухородан Қоракўл туманига элтувчи катта автомагистрал йўл Жондор туманидаги «Қароли» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини кесиб ўтади. «Хорсафед» қишлоғи шу йўл ёқасида жойлашган. 4-5 ой илгари шу ҳудуддан ўтган йўловчи бугун йўлнинг чап томонида бунёд этилган замонавий иншоотларни кўриб ҳайратга тушиши табиий.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 декабрдаги йиғилиши 266-сонли баённига кўра, Бухоро вилоятида пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш, пахта қабул қилиш масканларида пилла етиштириш, аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини ташкил этиш чоратадбирлари асосида қисқа вақт ичида шундай имкониятларга эга бўлдик, — дейди «Жондор пахта тозалаш заводи» ОАЖ негизида қурилган «Яккатут» ипак қурти парваришлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси раҳбари Ширинбой Хайруллаев. — Мажмуа фаолият бошлагач, 65 киши иш билан таъминланиб, ҳудудимизда яшовчи аҳолига қатор қулайликлар яратилди.

Мажмуада ташкил этилган ишлар билан танишдик. Чин маънодаги замонавий пиллахона. 60 қути ипак қурти уруғи парваришланаяпти. Хоналар ҳарорати мўътадил, доимий назоратда. Қуртлар тахтадан тайёрланган 2х1х0,15 метр ўлчамлардаги махсус ипак қурти боқишга мўлжалланган қутиларда парваришланмоқда. Тут барглари алоҳида ажратилган транспорт воситалари ёрдамида ташиб келтирилаяпти. Шу йил баҳорда ташкил этилган 5 гектарлик интенсив технологияли тутзорда эса Хитойдан келтириб экилган 60 минг тупдан зиёд кўчат гуркираб ўсмоқда. Бунга масъул этиб тайинланган агроном Болта Очилов ҳар бир ишда бош-қош.



— Қишлоқда яшайман, ишсиз эдим. Аммо қурт боқиш илмидан хабардорман, — дейди биз билан суҳбатда пиллачи Ҳулкар Жабборова. — Хонадонда қурт боқиш билан бу ерда ошхона, гўшт дўкони, мини маркет, тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш устахонаси, сартарошхона фаолият кўрсатмоқда.

«Яккатут»даги улкан ўзгаришлар эса ягона мисол эмас. Вобкент ва Олот туманларида ҳам шундай маиший ҳамда сервис хизмати мажмуалари фойдаланишга топширилди. «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамид Камаровнинг таъкидлашича, Обод турмуш йилида тизимдаги 9 та пахта тозалаш корхоналари қошида 18 та ихтисослаштирилган пиллахона ва 126 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилди. Махсус пиллахоналарда 1080 қути ипак қурти парваришланмоқда. Уларда 54 тонна пилла хомашёси етиштириш кўзда тутилган. Қурилган мажмуаларда янгидан 450 та доимий, 3600 та мавсумий иш ўринлари яратиш белгиланган.

Пиллачиликнинг истиқболини кўзлаб 108 гектар тутзорлар ташкил этилиб, уларда 1348,6 минг, шу жумладан, 1210 минг туп Хитойдан келтирилган интенсив технологияли тут кўчатлари ўтқазилди. Ниҳоллар тажрибали боғбонлар, соҳа мутахассислари томонидан меҳр билан парвариш қилинмоқда. Бу ҳам истиқболдан дарак...

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ДАВРА СУҲБАТИ

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг минтақавий инспекцияси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорати ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари билан ҳамкорликда касаба уюшма фаоллари, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида давра суҳбати ўтказди.

Шароитдан диллар яйрасин

Бирлашма кенгаши раиси ўринбосари А.Ихтиёров касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари олдида соҳа фаолиятини мувофиқлаштириш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини ўрганиш ва назорат қилишни амалга оширишдек муҳим вазифалар турганлигини таъкидлади.

Вилоятда меҳнат муҳофазасига риоя этиш тобора яхшиланиб бормоқда. Бунда жамоа шартномаларининг ўрни катта. Ўтган йили вилоят бўйича ҳар бир ходимга меҳнат муҳофазаси битимларининг ижроси юзасидан ўртача бир миллион бир юз ўттиз уч минг сўм сарфланди.

Касаба уюшмалари томонидан мурожаатлар ваколат доирасида қонуний муддатларда ўрганилиши билан бирга, ўз ташаббуси билан ёки ходимларнинг аризаларига биноан улар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳамда касаба уюшма ташкилоти ёки ходимнинг ваколатли вакили сифатида судда қатнашиши таъминланаяпти. Ўтган йили олти ҳолатда жабрланувчилар фойдасига 169 миллион сўм товон пули суд орқали ундириб берилди.

Шунингдек, «Саноатгеоконтехназорат» минтақавий инспекцияси, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, синов ва сертификатлаштириш маркази, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда бошқа меҳнат муҳофазасига мутасадди ташкилотлар вакиллари чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларимизга хавфсиз меҳнат шароити яратиш учун яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз, — деди «Жиззахдон» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Юсупов.

Давра суҳбати қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олишди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЯНГИДИКЛАР ОҚИМИДАН

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб «Барқарор оила — маҳалла таянчи» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Барқарор оила — жамият таянчи

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, психологлар, талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда оилаларнинг барқарор ривожланиши, оила институтини мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти, оилаларга психологик кўмак кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

САМАРҚАНД

Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, масъул котиблари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Маҳалла фаоллари малака оширмоқда

Семинарда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларида баён этилган фикрлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш бўйича фонднинг вилоят бўлими ва жойлардаги бўлинмалари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Ўқув-семинарлар ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда интерфаол мулоқотлар тарзида олиб борилаётир.

НАВОИЙ

Навоий шаҳридаги Гулистон маҳалласида чарм-пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Standart Navoiy» корхонаси ишга туширилди.

Сифатли пойабзаллар

Корхонада беш нафар қиз доимий иш билан таъминланган. Бу ерда тайёрланаётган бежирим ва сифатли пойабзаллар алалақачон ўз харидорини топган. Корхона раҳбари Нурсултон Шоҳназаров Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичида фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

«Микрокредитбанк» вилоят филиалидан 25 миллион сўм миқдорида кредит олиб, корхонага замонавий дастгоҳлар келтириш мўлжалланмоқда. Натижада корхонада аёллар ва болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади, янги иш ўринлари яратилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида талабалар ўртасида география фани бўйича фан олимпиадаси ўтказилди.

Билимдон талабалар баҳси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртидан 14 нафар талаба иштирок этди.

Уларнинг билим ва иқтидори, амалий кўникмалари олимпиада давомида қатъий синовдан ўтказилди.

Фан олимпиадаси якунига кўра, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети тўртинчи босқич талабаси Руслан Кушаев биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тўртинчи босқич талабаси Ойбек Муродов, учинчи ўрин Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети тўртинчи босқич талабаси Камолиддин Ҳакимовга насиб этди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Jshonch
2013-yil 16-may № 60 (3253)



Юртимизнинг барча таълим масканларида ёшларнинг билим олиши учун етарли даражада шарт-шароитлар ташкил этилган. Айниқса, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига яратиб берилаётган имкониятлар таҳсинга лойиқ. Таълим муассасаларидаги турли тўгараклар, спорт машғулотлари ва интеллектуал лойиҳалар ёшларнинг билим ва салоҳиятини оширишга қаратилган. Ғозовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қошида фаолият кўрсатаётган «Vunderkind» интеллектуал ўйини ана шундай билимга чанқоқ, зеҳнли ёшларни ўз атрофига тўплаган. Ташкил топганига бир йил тўлмасданоқ 300 дан ортиқ ўқувчини йиққан ўйиннинг сири нимада?

«Vunderkind»

энг зукко, зеҳнли, интеллектуал ёшлар ўйини

— Асосий мақсад ўқувчилар саводхонлиги ва билим даражасини ошириш, тафаккурини кенгайтиришдир, — дейди ўйин ташкилотчиси Жаҳонгир Шарипов. — Ҳафтанинг ҳар жума куни 12:00 да бошланадиган ўйинимизда жамоалар ўта қизиқиш билан иштирок этадилар. Саволлар турли фанлардан тузилиб, ўқувчилар имкон даражасида уларга жавоб топишга интилишади. Жамоалар ичида «Зукколар», «Тафаккур» алоҳида мавқега эга. 40 дақиқа давом этадиган баҳсларда ўқувчилардаги билимга интилиш, қобилият эртамиз манзаралари гувоҳлик бераётгандек таассурот қолдиради баъзан.

Албатта, турли фанларга оид саволлар ёшлар тафаккурини кенгайтириб, бирон-бир касбни эгаллашида ўзига хос йўл-йўриқ вазифасини ҳам ўтайди.

— Саволлар бир-биридан қизиқарли. Яқинда битта савол мен қатори барча тенгдошларимни ҳам бироз ўйлашга чорлади. Лекин биз бир мақсадни кўзладикми, уни албатта, охирига етказамиз. Жавобни топиш учун тарихий асарларга мурожаат қилиш асносида ўзимизга зарур бўлган бошқа маълумотларга жавоб топдик. Бундай қизиқарли саволлар нафақат адабиётлар ўқишимизга, балки тарих, спорт соҳасидаги манбалар, «Бобурнома», «Темур тузуклари» рисолаларини ҳам ўқишга чорлайди, — дейди талаба Сухроб Рўзметов.

Биз бу ўйинга гувоҳ бўлиш баробарида унинг қошида ташкил этилган музей экспонатлари билан танишдик. Ғозовотнинг қадимий буюмлари билан бойитилган тарихий музей бизда катта таассурот қолдирди.

Эндиликда ҳар жума куни коллеж маънавият залини тўлдирган жамоалардан ташқари бу ерда ҳудуддаги 6 та мактаб ўқувчилари ҳам ўйинда иштирок этиш имкониятига эгалар.

Зеро, ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, деб бежиз айтилмаган.

Рухия ИСМОИЛОВА,
Қўшкўпир тумани

Юртимиз ёш олимлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар қанча ҳавасга лойиқ. Улар давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ёруғ манзиллар сари дадил одимлаяптилар.

Шундай изланувчан ёш талқиқотчилардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Жасуржон Аҳатовдир.

Изланувчан демак, келажаги бор

Жасуржон 1979 йил Бухоро вилоятида туғилган. У мактаб давриданоқ физика фанига меҳр қўйди. Бухоро давлат университетининг физика-математика факултетида иштиёқ билан ўқиди. Магистратура босқичини тамомлаб, 2002-2005 йилларда Физика-техника институтининг аспирантурасида таҳсил олди. 2005 йилдан ушбу институтда кичик илмий ходим, 2010 йилдан эса катта илмий ходим лавозимида ишлаб келмоқда.

— 2007 йилда «Кўп босқичли рекупертив буғланиш-конденсация камерали парниксимон қуёш сув чучитгичларини ишлаб чиқариш ва тадқиқ этиш» мавзуида номзодлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Фаолиятим давомида қатор хориж илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юртлари олимлари билан ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этиб, турли танловларда муносиб тақдирланиб келаяпман, — дейди Жасуржон. — Жумладан, 2006 йили TWAS, 2007-2008 йилларда INTAS, 2009 йил KOICA, 2010 йилда ERASMUS, 2011 йил ISES ҳамда UNESCO ташкилотлари, 2012 йилда DAAD халқаро фондлари танловлари ғолиби сифатида Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Туркия, Испания, Германия, Исроил ҳамда Италия давлатларида изланишлар олиб бордим. 30 дан ортиқ хориж ва республика илмий нашрларида мақолаларим чоп этилди. Бунинг самараси ўлароқ 2005 йилда ЎзР ФА «Ёш олимлар» танловининг совриндори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси танлови ғолиби бўлдим.

Жасуржон Ўзбекистон Фанлар академияси ва институт «Ёш олимлар» кенгаши аъзоси. Билим ва иш тажрибасини бойитиб бориш билан бир қаторда тенгдошлари, ёш олимлар ҳамда изланувчиларига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ташаббускор, тўғрисўз, ўзига ва бошқаларга талабчан. Меҳрибон, ғамхўр, фидойи бу инсон икки нафар фарзанднинг отаси, намунали оила бошлиғи ҳамдир.

* * *

Ҳар бир инсонда ёшлигиданоқ қандайдир бир яширин истеъдод бўй кўрсатади. Уни тўғри йўлга сола билишда эса оила, мактабнинг ўрни муҳим. Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдураҳмонов ўқувчилик давридаёқ тенгқурлари орасида иқтидори билан ажралиб турган. Оға-онаси унинг бу истеъдоди лари маркази»ни ташкил қилишда жонбозлик кўрсатиб, марказга 2003-2013 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон-АҚШ Қишлоқ хўжалиги Департаменти (USDA-FRS) ҳамкорлиги доирасидаги умумий миқдори 1 млн. 700 минг АҚШ долларига тенг бўлган тўртта халқаро илмий грантлар олиб келди. Ушбу грантлар доирасида лабораторияни замонавий геномика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ва соҳага малакали ёш кадрларни тайёрлаш, дунё фанида биринчи бўлиб ғўза геномидаги рекомбинация блоклари ўлчамларини аниқлаш ва бу орқали тола сифати генларини картлаштириш, ген-нокаут технологияси ёрдамида узун толали, тезпишар трансген ғўза формаларини олишга эришди. У 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Шу йиллар давомида унинг раҳбарлигида 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, ҳозирда 3 та номзодлик ва 3 та докторлик диссертациялари тайёрланмоқда.

Қўлга киритган натижалари халқаро миқёсда юқори баҳоланган Иброҳим Абдураҳмонов 2007 йили АҚШда ўтказилган «Ғўза Дунё Конгресси» (World Cotton Research Conference)га 5 та пленар маърузачилардан бири сифатида таклиф қилинди. Унда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонда фан соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларига дунё олимларининг эътиборини жалб этди. Бундан ташқари, у АҚШда чоп этиладиган «International Journal of Piant Genomics», «American Journal of Piant Scince», Испанияда нашр этиладиган «Journal of Integrated OMICs» ва «Agrotechnology» ҳамда Англияда чиқадиган «Piant Scincee and Molecular breeding» илмий журналлари муҳарририди-дир.

Олим 1997 йилдан буён «Фан ва турмуш» журналида чоп этилган турли илмий-оммабоп мақолалари орқали фан ютуқларини тарғиб қилиб келмоқда. У ғўза геномидаги генетик хилма-хиллик ва ундан фойдаланишнинг молекуляр асосларини тушунишга қўшган фундаментал ҳиссаси учун 2010 йил Ривожланган давлатлар Фанлар академияси (TWAS)нинг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича халқаро мукофотига сазовор бўлди.

Иброҳим Абдураҳмонов 2010 йилдан буён Европа комиссияси CORDIS (Community Research and Development Information Services) 7-рамкали дастур(FP7)нинг қишлоқ хўжалиги бўйича NCP (National Contact Point)си ҳисобланади. 2011 йилда унинг таҳрири остида дунё миқёсида фанимиз илмий салоҳиятини кўрсатувчи «Plant breeding» (Ўсимликлар селекцияси) китоби нашр этилди ва жаҳондаги соҳа олимлари томонидан юқори баҳоланди. Ушбу муваффақиятлар асосида 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказини ташкил қилишда фаол иштирок этди ва унга раҳбар этиб тайинланди.

2012 йилда Халқаро ғўза тадқиқотлари Уюшмаси (International Cotton Research Association (ICRA), Washington D.C., USA) бошқарув қўмитаси аъзоси этиб сайланди ва уюшма тузилмасини шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

У Фанлар академияси ва республикамизнинг барча ўқув муассасаларида ўтказиладиган илмий-амалий ва халқаро конференциялар иштирокчиси. И.Абдураҳмонов Ўзбекистон Фанлар академияси ва институт «Ёш олимлар» кенгаши аъзоси. У доимо ўзининг билим ва тажрибасини бойитиб борган ҳолда ёш олимлар ҳамда изланувчиларга яқиндан ёрдам бермоқда.

— Жасуржон Аҳатов ва Иброҳим Абдураҳмонов Фанлар академиясида фаолият кўрсатаётган юксак илмий салоҳиятга эга иқтидорли ёш олимларимиздан. Улар институтда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, шунингдек, жамоат ишларида ҳамиша фаолликлари билан ажралиб туришади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Ҳар иккиси маъмурият ва бирлашган касаба уюшмаси томонидан ўтказилаётган кўрик-танловларда («Ўз касбининг моҳир устаси», «Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи», «Энг яхши мақола», «Энг ёш олим») мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келишаётир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт саломатлик, гўзаллик ва ёшлик тимсоли ҳисобланади. Жиззахлик Ирода ҳам ўн икки ёшидан спортнинг дзюдо тури билан шуғулланиб келади. У тўққиз карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндори, дзюдо бўйича юртимиз терма жамоаси аъзоси.

Дзюдочи қиз Ирода

Бундай муваффақиятлар осонликча қўлга киритилмайди. Бунинг замирида заҳматли меҳнат, тинимсиз машқ, устозлар ўгитига қатъий амал қилиш ётади.

— Мен бахтли отаман, — дейди касаба уюшма фаоли Бахтиёр Матмуродов. — Қизим Ирода билан фахрланаман. У спорт соҳасида эришган муваффақиятлари туфайли Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бунда устозлари — дзюдо бўйича республика терма жамоасининг хотин-қизлар бўйича катта мураббийси Неля Қиёмова, мураббийлар Жаҳонгир Ашуров ва Нигора Хидированинг ҳиссаси катта. Улардан миннатдормиз.

Ирода Матмуродова 2006 йил Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактабининг саккизинчи синфини тамомлагач, Тошкентдаги Республика олимпия захиралари спорт мактабида ўқишни давом эттирди. Сўнгра коллежда ўқиди. 2010 йил Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факултетига имтиёзли қабул қилинди. Ҳозирда учинчи босқич талабаси. Ўқиш билан бир пайтда Жиззах олимпия захиралари спорт коллежида ёшларга мураббийлик қилмоқда.

Дзюдо бўйича ўтказилган республика мусобақаларида 9 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритган И.Матмуродова 2008 йил Таиландда ўтказилган 14-жаҳон ёшлар чемпионатида совриндор бўлди. 2009 йил Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Яман, Таиландда ташкил этилган Осиё биринчилигида совриндор бўлди.

— Илк бор ўн уч ёшимда татамига чиққанимда устозим, ҳозирда марҳум Хайрулла ака Абдураҳмоновнинг оталарча ғамхўрлиги ва шогирдларига самимий меҳрини илғаган эдим, — дейди И.Матмуродова. — У кишининг тавсияси ва бевосита ёрдамида Республика олимпия захиралари коллежида таҳсил олдим. Ҳозиргача спортда эришган ютуқларим устознинг қимматли маслаҳатлари, сабоқлари натижаси деб биламан. Устоз дзюдочиларимиз жаҳон мусобақаларида улкан натижаларни қўлга киритишини орзу қиларди. Бу ният ижобат бўлмоқда. Мураббийлар Дилмурод Носиров, Шаҳодат Сўпихонова каби шогирдлари бугун иқтидорли спортчиларни тарбиялаб вояга етказишаяпти. Улар нафақат мамлакатимизда, балки Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишаяпти. Ҳар йили Жиззах олимпия захиралари коллежида устоз хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказилади. Унинг орзулари биз, шогирдлари тимсолида рўёбга чиқаётганидан беҳад қувонаман.

78 кг. вазн тоифасида 2010 йили Самарқандда ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида олтин медал ва кубокни қўлга киритган Ирода Чирчиқда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. 2012 йилнинг сентябрида Тошкентда жаҳон кубоги мусобақасида кумуш, Самарқандда Ўзбекистон кубоги беллашувида олтин медал соҳибаси бўлди.

Дзюдочи қиз Ирода айни пайтда мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларга тажрибали мураббийлар кўмагида пухта ҳозирлик кўраяпти. Мақсади жаҳон ареналарида юртимиз байроғини янада юксакларга кўтариш.

А. АЗИМОВ

Мамлакатимизда ҳар йили адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларида эришган ютуқлари учун бир гуруҳ ёш истеъдод соҳиблари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлмоқда. Бу йил тақдирланганлар сафида Гулистон шаҳридаги 1-академик лицей ўқувчиси Маҳзуна Абдурасулова ҳам бор.

Маҳзунанинг бахти

Маҳзуна истеъдодли, изланувчан ва ижодкор ёшлардан. У таълим масканида аъло баҳоларга ўқийди. Фан олимпиадаларида, турли танловларда фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаган. Маҳзунанинг шеъриятга меҳри бўлакча. Самимий туйғулари акс этган шеърлари вилоят ва республика нашрларида чоп этилган. Ёш ижодкорнинг «Мўъжаз гул», «Тилак» шеърий тўпламлари ўқувчилар томонидан илиқ қарши олинган.

Маҳзуна Абдурасулова жамоат ишларида ҳам фаол. Лицейда бўлиб ўтадиган тадбирлар, танловларни ўтказишда тенгдошларига ўрнак.

— Маҳзуна ўткир зеҳни, илмга чанқоқлиги билан тенгдошларига намуна, — дейди лицей директори Одил Иноятов. — У дунёқараши теран қиз.

— Юртбошимиз томонидан истеъдодли ва иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Маҳзуна. — Бу юксак мукофотга лойиқ кўрилганим зиммамга катта масъулият юклайди. Толеи баланд юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Кўрсатилаётган эъзоз, меҳр-эътиборга жавобан келгусида эл-юрт корига ярайдиган муносиб фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Когонлик Фахриддин Очилов отасига эргашиб, паррандачиликка қўл урди ва ўз хонадонида 2 минг жўжани парваришлашга киришди. Кейинчалик «Белоруспарранда» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Йил сайин парранда сони ҳам, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам кўпая борди. 7 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган МЧЖда 14300 та парранда бўлиб, уларнинг 10800 таси жўжа, 3,5 минги товуқдир.

Соҳа тараққиёти йўлида



— Давр талабига кўра, соҳани тезроқ ривожлантириш мақсадида қўшимча имкониятлардан фойдаландик,— дейди Ф. Очилов. — Тухум ва парҳез гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, 25 минг бош жўжа парваришлаб, фермер хўжаликлари, ташкилотлар ва аҳолига сотдик. Албатта, бунда бизга «Қишлоққурилишбанк»нинг Когон филиалидан олган 50 миллион сўмлик кредит мадад бўлди. Банк қарзини муддатидан илгари тўлаб, 2013 йил ҳисобига соҳани ривожлантириш учун яна 45 миллион сўмлик кредит расмийлаштирдик. Янги йилнинг дастлабки 2 ойида харидорларга 2 мингдан ортиқ жўжа етказиб бердик. Жорий йилдаги режаларимиз кўлами янада кенг.

Бу йил қиш қаттиқ келди. Ҳаво ҳарорати кескин пасайди. Ана шундай шароитда паррандабоқарларнинг ташвиши янада ортди. Улар цехлардаги мўътадил ҳароратнинг сақланишини таъминлаш, жониворларнинг турли юқумли касалликларга чалинмаслиги учун барча зарур чора-тадбирларни қўлладилар. Саъй-ҳаракатлар ижобий якунланди.

Паррандалар зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинмоқда. Уларга 16 хил фойдали аралашмалардан иборат тўйимли озуқа бериляпти. Вақти-вақти билан эмлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар куни 2 минг донадан ортиқ тухум шартнома асосида мактаб, боғча ва интернатларга жўнатилмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми бозордаги махсус дўкон орқали аҳолига арзон нархларда сотиляпти.

Обод турмуш йили режасидан бир қатор истиқболли тадбирлар ўрин олган. Чунончи янги цех қурилиб, Хоразмдаги «Ургенчнасллипарранда» МЧЖдан наслли тухумлар келтирилади ва шу ернинг ўзида жўжа очирилади. Бу билан корхона, ташкилот, муассаса ва аҳолига 30 мингдан зиёд наслли, маҳсулдор жўжа етказиб берилади. Яна бир муҳим жиҳат. Корхона раҳбарининг айтишича, паррандачиликни янада ривожлантириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида ҳадемай МЧЖга 10 гектар озуқа майдони ажратилади.

Умуман олганда, Когонда паррандачилик соҳаси тараққиёт йўлига чиқиб олди. «Бухоропарранда» ОАЖ, «Парравшантранс», «Пахтасаноат Омад парранда» МЧЖлари, «Тўхтабобо-97» фермер хўжаликларида ҳам тухум ва парҳез гўшт етиштириш имкониятларининг кескин кенгайтирилаётгани, бир йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар кўпайтириш чоралари кўрилганлиги ҳам бежиз эмас.

И. ҲОЖИЕВ

Суратда: «Белоруспарранда» илғор ишчиси Анора Ҳамидова.

Ishonch
2013-yil 16-may № 60 (3253)

«ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

«...Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир».
Ислом КАРИМОВ

Эзгу ишда савоб кўп

Яхшидан шарофат

Ободлик, аввало, ниятдан бошланади. Эзгу ўй билан қилинган ҳар бир юмуш фаровонликка хизмат қилади. Шунинг учун юртимизда аҳоли яшаш тарзининг ҳар томонлама юксалишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги Чиндовул маҳалласи ҳам ободликка юз тутаётган гўшалардан. Бу хайрли ишда касаба уюшма фаолларининг ҳиссаси алоҳида эканлигини таъкидлаш ўринли.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан маҳалламизни янада обод этиш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласида амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Чиндовул МФЙ раиси Шарофат Рустамова. — Масалаларни ҳал этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма фаоллари томонидан ҳудудимиздаги 5351 киши истиқомат қиладиган 776 та хонадоннинг яшаш тарзи, имконият ва интилишлари батафсил ўрганилди. Бу маҳалладошларимиз имкониятларини янада кенгайтиришга туртки бўлди, дейиш мумкин. Ўрганиш чоғида оилаларга ҳар томонлама кўмак берилди. Қатор масалалар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини ва туман ҳокимлиги дастурларига тегишли чора-тадбирлар киритилди.

Меҳнатдан келса бойлик

— Авваллари касаба уюшмаси ҳақида гап кетганда ишчи-ходимларни туғилган кунларида табриклаш, санаторийларга йўлланма бериш билан шуғулланадиган ташкилот, деган тушунчада эдим, — дейди Шарофат Рустамова. — Бугун унинг бизга бераётган кўмаги, маҳалладошларимизга ҳар тарафлама ёрдам қўлини чўзишини кўриб, тасаввурим ўзгарди. Бандликни таъминлаш, ёшларимизни ишли қилишда касаба уюшмасининг кўмагига таянмоқдамиз. Ўзингиз биласиз, қишлоқ аёли уйдан узоқлашмай ишлашни хоҳлайди. Фаоллар ташаббуси билан касаначилик асосидаги иш ўринлари ҳам яратилмоқда. Хусусан, тикувчилик, уй меҳнати билан шуғулланиш истагидаги 15 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига Косонсой пахта тозалаш корхонаси томонидан тикув машинаси олиб берилди ва улар касаначиликка жалб этилдилар.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳудудда бўш турган 15 та бино инвентаризациядан ўтказилди. Улардан мақсадли фойдаланиш бўйича 52 нафар тадбиркор жалб қилиниб, 36 йўналишдаги таклифлар тайёрланди. Бунинг натижасида 87 та янги иш ўрни ташкил этилади. Улардан 36 тасига касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш режалаштирилмоқда. Тадбиркор А.Умаров эса бўш турган бинога инкубатория ўрнатиб, паррандачиликни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлаб юборди.

Тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига асосан, 18 та хонадонга қорамол олиши учун 81,4 млн. сўм имтиёзли микрокредитлар ажратиш бўйича ҳужжатлар тижорат банкларига тақдим этилди. Бугунги кунда мазкур хонадонлар оилавий тадбиркор сифатида ҳисобга олиниб, меҳнат дафтарчалари очилди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги 20 та кам таъминланган хонадонга тармоқ касаба уюшмалари туман кенгашлари томонидан 200 та зотдор товуқ олиб берилди. 100 тадан парранда боқишга киришган 6 та хонадоннинг барчасига кредит олиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, оилавий тадбиркор сифатида рўйхатга олинди ва меҳнат дафтарчалари очилди. 20 та хонадонда эса ёқилғисиз ишлайдиган иссиқхоналар ташкил этилишига кўмаклашилди. Ушбу хонадонларнинг тажрибасини оммалаштириш мақсадида уч бора семинар ўтказилди.

Шунингдек, 2012 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ва вақтинча иш билан банд бўлмаган 5 нафар йигит-қиз ҳудуддаги автомобилларни таъмирлаш устахонаси, мактабгача таълим муассасаси ва «Гўзаллик салони»га ишга жойлаштирилди.

Барчага аён ҳақиқат

Ҳудудни ободонлаштириш ҳам алоҳида эътиборда. Ишлаб чиқилган дастурларга кўра маҳалладаги эски иншоотни таъмирлаб, замон талабига мос ҳаммом сифатида фойдаланиш таклифи ўртага ташланди. Вилоят шаҳарсозлик кенгашининг бу борадаги қарори қабул қилиниб, Республика «Қишлоққурилишлойиҳа» институтига тақдим этилди.

Бундан ташқари, ҳудуддаги савдо мажмуасининг иккинчи қаватида замонавий пардалар тикишга ихтисослаштирилган цех ташкил этилиб, 5 та янги иш ўрни яратилди. «Косонсой Азима» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқариш цехи ташкил қилинди. Натижада етти манган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖга тақдим этилди.

«Янги авлод» кўчасидаги бўш турган 10 сотих ер майдонида маиший хизмат ва сервис шохобчалари ташкил этиш учун 12 нафар тадбиркорга ер майдони ажратиб берилиб, қурилиш ишлари бошланди. Мазкур шохобчаларга 30 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Обод ҳаёт деган тушунчани халқимиз, аввало, фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончиликда кўради. Бу барчага аён ҳақиқат. Шунинг учун аҳоли ўртасида шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш юзасидан ишчи гуруҳи шакллантирилиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 1600 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчати, 20 кг. дан ортиқ турли уруғликлар тарқатилди.

Чиндовул ҚФЙ ҳудудидаги марказий гузар атрофидаги бўш турган 15 сотих майдонга «Хотин-қизлар боғи» ва «Камолот боғи» ташкил этилиб, фойдаланилмаётган киноклуб ҳомийлар томонидан жорий таъмирланди.

Ёшларнинг спорт билан шуғулланишини яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан сунъий қопламали футбол майдони барпо этиш учун тадбиркор А.Ибрагимовга ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари бошланди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида маҳалладаги туғиш ёшидаги аёллар, балоғат ёшидаги ўсмир қизлар ва ёш оилалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Текширилганлардан 7 нафарига шифохоналарга имтиёзли йўлланма берилиб, даволаш ишлари ташкил этилди. Болаликдан ногирон М.Саидовга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Шунингдек, маҳалла ёшлари ўқийдиган коллежлар жойлашган ҳудудларга автобус қатнови жадвали ишлаб чиқилиб, «Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят бўлими томонидан ушбу масалани ҳал этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси юртдошларимизнинг янада фаровон турмуш кечириши учун қилинаётган ишлардир. Ҳаракат ва интилишлар негизида Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровонлигини янада ошириш ғояси мужассам.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

«ХОТИРА — АБАДИЙ, ЖАСОРАТ — МАНГУ!»

Фахрийлар ҳузурида

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига манзилли ёрдам кўрсатилди. Вилоятдаги 274 нафар уруш қатнашчиси ушбу туҳфаларни мамнуният билан қабул қилиб олишди.



— Фахрийлар хонадонида бўлиб, турмуш шароитлари билан танишдик, суҳбатларидан бахраманд бўлдик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов. — Кўпни кўрган отахону онахонларимиз бугунги дориломон кунларга етказгани учун чексиз шукроналик изҳор қилдилар.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар иштирокида давра суҳбатлари уюштирилди. Ўттиз нафар меҳнат фахрийси, байналмилал жангчиларга эсдалик совғалари тақдим қилинди. Уч нафар меҳнат фахрийсига дори-дармон харид қилиши учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири.

Суратда: фахрийлар хонадонига ташриф жараёнидан лавҳа

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятида хайрия талбирида уч авлод вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, бирлашма ходимлари, талаба ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда мактаб ўқувчилари бирлашма фахрийларини табриклаб, уларга ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишларини тақдим этишди.

— 59 йил шу корхонада фаолият кўрсатдим, — дейди меҳнат фахрийси Тўлқин Каримов. — Бу ерга келганимда жуда ёш эдим. Кунига 15-16 соат ишлардик. Самолётнинг оғир темир қисмларини ташир эдик. Ҳар сафар набираларимни ўқишга кузатганимда: бошларинг омон бўлсин, биз кўрганни кўргулик қилмасин, — дея дуо қиламан. Худога шукур, юртимиз тинч, ризқимиз бут. Бу Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир. Зеро, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади, деган нақл бежиз айтилмаган. 1994 йили давлатимиз томонидан узоқ йиллик меҳнатим муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан мукофотландим.

Иштирокчилар тинчликни асрашга барча бирдек масъул эканлигини таъкидлашди.

Тадбир доирасида фахрийлар учун дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш қилинди.

У. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Хива туманидаги 3-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида вилоят миқёсида хотира турнири ташкил қилинди. Унда даргоҳда фаолият кўрсатган марҳум устозлар номи ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олинди.

Мусобақалар 12-футболга ихтисослашган мактаб-интернат спорт базасида ўтказилди. Натижаларга кўра, хивалик ёш баскетболчилар биринчи, шовотликлар иккинчи, Янгибозор тумани жамоаси учинчи ўринни қўлга киритдилар.


Ғолиб ва совриндорлар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши, вилоят «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда 3-мактаб маъмурияти томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Лайло ХЎЖАЕВА,
Хива туманидаги 3-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газ ҳисоблагични текширтирганмисиз?

Газни ҳисобга олиш асбоблари соз ишлаб турган бўлса, албатта, уни тўрт йилда бир марта текширувдан ўтказиш шартми? Ушбу масалада тушунтириш берсангиз.
М.СОБИРОВА,
Яккасарой тумани



Мамлакатимизда истиқлол йилларининг дастлабки кунлариданоқ инсон манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпгина ислоҳотлар амалга оширилди. Буни аҳолини газ билан таъминлаш соҳасида, жумладан, газ ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Газ ҳисоблагичларнинг афзаллиги нимада?

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жаҳон андозаларига мос ҳолда газ ҳисоблагичлар ўрнатила бошланди. Аввалларимламлакатимизда одам сонига қараб газ учун тўлов белгиланар эди. Албатта, бу катта оилалар учун анчагина қийинчилик туғдирган. Бу асбоб эса қанча газ истеъмол қилинганини аниқ кўрсатиб туради. Ҳар ким истеъмол қилганига яраша ҳақ тўлайди. Бу давлатимиз учун ҳам, аҳоли учун ҳам қулай ва адолатлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 мартдаги ва 2005 йил 22 мартдаги Қарорлари билан хонадонларга газ ҳисоблагичлар оммавий ўрнатила бошланди.

Газ ҳисоблагичдан фойдаланишнинг ўз тартиби бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли Қарорида ушбу тартиб белгиланган. Унинг тўртинчи иловасида, яъни «Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, улаш, квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандида шундай дейилади: «Газни ҳисобга олиш приборлари индивидуал паспортга эга бўлиши ва уни тайёрлаган завод ёки уларнинг техник шартларга мувофиқлигини текширган корхона томонидан пломбаланган бўлиши керак. Газни ҳисобга олиш асбобларининг ҳар бир турини текшириш даврлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади».

Ана шу муддат бугунги кунда тўрт йил қилиб белгиланган. Ушбу низомнинг 10 бандида: «Текшириб кўриш муддати ўтган приборлар носоз ҳисобланади ва фойдаланишга қўйилмайди» дея белгиланган. Газ ҳисоблагични қайта рўйхатдан ўтказишни сўраб, туман газ идорасига мурожаат қилинади. У ердан вакил келиб, хонадон эгасининг газ ҳисоблагичини текшириб, акт ёзиб, уланган жойидан ечиб беради. Сўнгра хонадон эгаси уни «Ўзстандарт» агентлигидан қайта текширувдан ўтказиши керак.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида айни кунда Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани газ идорасида агентлик вакиллари фаолият олиб боряпти. Жумладан, Яккасарой туманида ҳам бу қулайлик мавжуд. Аризачи ўзи истиқомат қиладиган туман газ идораси томонидан берилган акт билан ушбу ташкилотга мурожаат қилади. Агентлик вакили ариза тушган кундан эътиборан 7 кунлик муддат ичида уни текширувдан ўтказиб, тўрт йилга сертификат беради. Ундан кейин сертификат нусхаси туман газ идорасига ариза билан топширилади. Аризага мувофиқ туман газ идораси ходими уни ўрнатиб беради.

Алишер БЕКМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар газ таъминоти бошқармаси Яккасарой тумани филиали бошлиғи

Қонунийлик таъминланмоқда

Камерал назорат солиқ тўловчи фаолиятига аралашмасдан, тақдим этилган ҳисоботлар ҳамда ташқи манбалардан олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисоблаш солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Жорий йилнинг ўтган даврида камерал назоратлари натижасида 863 та хўжалик юритувчи субъектга 9870,3 млн. сўм қўшимча солиқлар ва тўловлар ҳисобланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан барча солиқ тўловчиларга камчиликларни бартараф этиш учун солиқ идораларидан тегишли тартибда талабнома берилган. Шундан 177 та корхона 4727 млн. сўмга асословчи ҳужжатлар тақдим этган бўлса, 686 таси 5143,3 млн. сўм солиқлар ва тўловлар бўйича қайта ҳисоботлар тақдим этган ва бу маблағнинг асосий қисми ундириб олинган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида вилоятда 76 та хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти шубҳали деб топилиб, камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли тартибда талабнома берилган. Ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 459,2 млн. сўм миқдорида қўшимча маблағ ҳисобланиб, унинг асосий қисмини ундириб олишга эришилди.

Амалиёт камерал назоратнинг солиқ тўловчига кўмаклашувчи назорат тури эканлигини кўрсатмоқда. Чунки назоратнинг ушбу турида йўл қўйилган солиқ хатоликлари олдиндан аниқланиб, уни тузатиш учун имкониятлар яратилади. Бу солиқ тўловчини келгусидаги кўнгилсизликлардан асраб қолади. Шундай экан, солиқ тўловчи камерал назорат хулосаларига жиддий эътибор бериши, билдирилган эътирозларни инобатга олиб, вақтида бартараф қилиши лозимлигини кўрсатади.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи

Реклама ва эълонлар

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодиёт Фаолияти «Миллий банки» Қорақалпоғистон бўлимининг 2013 йил 10 майдаги УИ-2 сонли буйруғига асосан «Миллий банк» Қорақалпоғистон бўлимига тегишли бўлган Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 52-уйда сақланаётган, «SHAANXI » русумли махсус (цистерна), 2011 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/073KAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси 106 822 800 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 17 июн куни соат 11:00 да Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117—«б» манзилида жойлашган «Қорақалпоқ мулк маркази» МЧЖ биносида ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади, (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 14 июн куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 17 июн куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 3-июл куни соат 11:00 да кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 1 июл куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, аризалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТ «Турон банк» Нукус филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374, ОКОНХ: 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117- «б» уй. Тел: (8-361) 222-84-44. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 9605.

MCHJ «FAYZ EMIRATES FURNITURE» қўшма корхонасининг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch
2013-йил 16-май № 60 (3253)



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўқишда ҳам, спортда ҳам фаол

Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бухгалтерия, молия, банк иши, компютер тармоқларини созлаш ва ишлатиш техниги, солиқ мутахассиси, ихтисослаштирилган (махсус) бошланғич таълим муассасалари тарбиячиси, ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси йўналишларида мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва касбий кўникмаларга эга бўлиши учун барча шароит мавжуд. Фан ва лаборатория хоналари, лингафон хоналари, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, тўгарак хоналари, замонавий спорт зали ҳамда шинам ётоқхона улар ихтиёрида.

Коллеж ўқувчиларидан Холмурод Холмуродов ва Ғанишер Холмуродов 2011 йили Мексика яшил майдонларида ўсмирлар ўртасида ўтган Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибида тўп сурган эди. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида стол тенниси бўйича ўз маҳоратини намойиш этган Шоҳруҳ Кенжаев ва Малика Маметназарова совринли ўринларни эгаллаган.

Суратда: «Баркамол авлод спорт мусобақаларининг стол тенниси бўйича вилоят босқичи ғолиби Шоҳруҳ Кенжаев.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

КЎРИК-ТАНЛОВ

«Санъатим сенга, обод юртим!»

Меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг санъатга муҳаббатини рағбатлантириш, ҳаваскорларнинг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман кенгаши «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти кўрик-танловини ўтказди. Унда тумандаги 66 та умумий ўрта таълим мактабининг бадиий ҳаваскорлари қатнашди.

Иштирокчилар мумтоз, мақом ашулалар, обод юрт ва истиқлолни мадҳ этувчи қўшиқлар ҳамда миллатлараро дўстликни ифода этувчи саҳна кўринишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Анъанавий ижрочилик йўналишида 60-умумўрта таълим мактаби ўқитувчиси Зулфия Зиёдова, эстрада қўшиқчилигида 43-мактаб вакили Шерзод Шомуродов, якка чолғу ижрочилигида 52-умумўрта таълим мактаб ўқитувчиси Анвар Азизов, якка рақс ижрочилигида 7-мактаб муаллимаси Назира Фармонова ғолибликни қўлга киритди. Жамоа рақси ижрочилиги бўйича 36-мактаб жамоаси энг кўп бал жамғарди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Умид МУСТАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман кенгашининг раиси

* * *

Марҳамат туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам шундай кўрик-танлов ўтказилди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда 5 та йўналиш бўйича таълим ходимлари ва ўқувчилар маҳорати синовдан ўтказилди.

Кўрик-танлов якунига кўра, анъанавий ижрочиликда 26-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Озодбек Маҳаммадхонов, эстрада қўшиқчилигида 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Маъруфжон Тошматов ғолиб бўлишди. Қолган йўналишларда 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаоллик кўрсатди. Яъни, якка рақс ижрочилигида ўқитувчи Шоҳидахон Тешабоева, жамоа рақсида мактабнинг «Бинафша» гуруҳи биринчи ўринни қўлга киритди.

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ, Марҳамат тумани

* * *

Ангрен шаҳридаги барча умумтаълим мактабларида ўтказилган «Санъатим сенга, обод юртим!» номли кўрик-танлов ўзига хос нафосат байрамига айланди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган танловнинг илк босқичида жамоаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар, педагоглар маҳорати кўрикдан ўтказилган бўлса, шаҳар босқичида бошланғич ташкилотлардан тавсия этилган ҳаваскорлар беллашишди. Ҳудудий босқичда эса Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари вакиллари истеъдодларини намойиш этишди.

Анъанавий ижрочиликдан Ангрен шаҳридаги 33-мактаб ўқитувчиси Динора Носирова, куй ижрочилигидан Умид Жумаев, жамоа рақсларида Ангрен шаҳридаги 28- ва 43-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ижроси, якка чолғу ижрочилигидан Олмалиқ шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси Александр Крилов, якка рақс ижрочилигидан Оҳангарон шаҳридаги «Баркамол авлод» тўгараги раҳбари Гўзал Эргашова, анъанавий ижрочиликда хўжалик ишлари мудири Санобар Илёсова, эстрада қўшиқчилиги йўналишида Оҳангарон шаҳридаги мусиқа мактаби тўгарак раҳбари Обиджон Тоштанов, якка чолғу ижрочилигидан 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Баҳромовага тенг келадигани топилмади.

Ғолиблар кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олишди.

Наргиза ЮНУСОВА

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида «Polvonjon» республика болалар ва ўсмирлар спорт журналининг янги талқиндаги нашри тақдимотига бағишланган «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Polvonjon» янги қиёфада

Тадбирда журнал таҳририяти аъзолари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва журналистлар иштирок этишди.

— Журнал фарзандларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт ва жисмоний тарбияни кенг тарғиб этишга мўлжалланган, — деди журнал бош муҳаррири Ж. Набиев. — Унда, биринчи навбатда, Ўзбекистон спорти янгиликлари, юртимиз спорти шарафини ҳимоя қилган ифтихорларимиз, жаҳон спортининг таниқли вакиллари, юртимиздаги мавжуд ва янги очилган спорт иншоотлари, спорт-ўқув муассасалари ҳақида кенг ва батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, спорт турларининг тарихи, ривожланиши ва қоидалари ҳақидаги мақолалар бериб борилаётир. Албатта, журналнинг веб-сайтини ишга тушириш ва ёш спорт мухбирлари мактабини ташкил этиш масалалари ҳам олдимизда турган вазифалардан.

Ўтган йили журнал таҳририяти Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган 18-грант танлови ғолиблигини қўлга киритган эди. Мазкур грант лойиҳаси доирасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширишга эришилди. Шулардан бири журналнинг янги талқиндаги нашри бўлди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Қўшчинор» кураш аренасида анъанавий беллашувлар ҳар қачонгидан қизиқарли ўтди. Бу ерда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафарга яқин маҳоратли полвон гиламда бел олишди.

«Қўшчинор»да кураш байрами

Бел олиш курашининг чалиш йўналишида Эрмат Расулов (50 кг., Тошкент вил.), Маъмир Сулаймонов (55 кг., Фарғона), Шаҳзод Шоюнусов (66 кг., Тошкент вил.), Миркозим Ўринбоев (73 кг., Тошкент вил.), Рустам Сулаймонов (81 кг., Фарғона), Одилжон Суюнов (90 кг., Қашқадарё), Шоҳруҳ Тиллаев (100 кг., Самарқанд), Умид Турғунов (+100 кг., Тошкент вил.) олтин медални қўлга киритишган бўлса, кўтариб йиқитиш йўналишида Илҳом Солибоев (66 кг., Тошкент вил.), Ислом Абдураҳмонов (73 кг., Наманган), Рустам Солибоев (81 кг., Тошкент вил.), Фаррух Бойметов (90 кг., Тошкент шаҳри), Дилмурод Усмонов (100 кг., Бухоро), Обидали Мавлонов (+100 кг., Фарғона) шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди.

— 31 май ва 6 июн кунлари Эронда Осиё ва Жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилади. Унда ўғил болалар 7 та, қизлар эса 5 та вазнда курашиши режалаштирилган, — дейди республика Бел олиш кураши федерацияси котиби Носир Азизов. — Бугунги мусобақалар Эронда ўтадиган беллашувларга пухта тайёргарлик вазифасини ўтади, деб ўйлайман. Мақсадимиз полвонларни саралаб олиб, ушбу нуфузли беллашувларда шоҳсупанинг юқори ўринларни банд этиш.

Белбоғли кураш бўйича халқаро турнир мусобақалари ҳам муросасиз кечди. Энг қизғин учрашув Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпиони Искандар Маҳаматов ҳамда пойтахтлик Зоҳид Исроилов ўртасида бўлиб ўтди. Рақибига нисбатан тажрибали бўлган И. Маҳаматов катта устунлик билан ғалабага эришди. 100 кг. оғирликда гиламга тушган полвонлар сулоласининг яна бир вакили Нуриддин Маҳаматов ҳам мухлислар ишончини оқлаб, олтин медалга сазовор бўлди. Ғолиб Аҳмедов ҳамда Наманган вилояти терма жамоаси аъзоси Нуриддин Ғозиев қарама-қаршилиги 8 сония давом этди. Унда Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Ғ. Аҳмедов ғолиблик нашидасини сурди.

Финалда Ҳусан Зоиров (45 кг.,Тошкент вил.), Шерзод Азимов, (50 кг., Тошкент вил.), Санжар Кўчқоров (55 кг., Тошкент вил.), Суннат Қозоқбоев (60 кг., Тошкент вил.), Элбек Сотволдиев (66 кг., Тошкент шаҳри), Баҳром Рихсибоев (73 кг., Тошкент вил.), Зайлобиддин Ортиқов (81 кг., Тошкент шаҳри), Искандар Маҳаматов (90 кг., Тошкент вил.), Нуриддин Маҳаматов (100 кг., Тошкент вил.), Ғолиб Аҳмедов (+100 кг., Тошкент вил.)лар хотира турнири совриндорлари бўлишди. Шунингдек, 81, 90, 100 ва +100 кг.да шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган полвонлар ўртасида турнирнинг мутлақ ғолибини аниқлаш ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди. Унда Зайлобиддин Ортиқов ва Нуриддин Маҳаматов жуфтлиги, Искандар Маҳаматов ва Ғолиб Аҳмедов жуфтлиги бел олишиб, ким кучли эканлигига ойдинлик киритишди. Ниҳоят финалда икки фамилиядошлар беллашадиган бўлишди. Лекин ташкилотчилар бир овоздан ҳар иккала маҳоратли полвонни ҳам мутлақ ғолиб деб топишга қарор қилишди.

— Шу заминда туғилиб ўсдим, — дейди юнон-рум кураши бўйича 1972 йилги Олимпиада ўйинлари чемпиони, Халқаро турнир фахрий меҳмони, икки карра жаҳон чемпиони Рустем Казаков. — Катта спортда эришган ютуқларим ҳам бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ. Ҳозирда Украинада яшаётган бўлсамда, она диёрим мени доимо ўзига чорлаб туради. Айниқса, бугунги кураш мусобақасини кузатиб, ҳақиқий мухлислар борлигига амин бўлдим. Биласизми, олдинги даврларда бугунгидек шарт-шароит йўқ эди. Ҳар гал келганимда Ўзбекистондаги бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳавасим келади. Айниқса, болалар спортига берилаётган юксак эътибор туфайли республиканинг барча жойларида фойдаланишга топширилаётган спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини, очиғи, дунёнинг бирор бир мамлакатида учратмайсиз. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ёшлари орасидан кўплаб олимпиада ўйинлари совриндорлари етишиб чиқишига тилакдошман.

Ҳар иккала кураш бўйича Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, фарғоналик полвонлар умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олишди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

2013 йилнинг 23-24 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида **«Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор»** шиори остида Республика «Китоб байрами» ўтказилади.

Тадбирда адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викторналар, санъат усталари ва ёш ижодкорларнинг концерти ташкил этилади.

Республика «Китоб байрами»га марҳамат қилинг!

Байрам тадбирларига кириш эркин!

Маълумот учун телефон: 244-12-61.

РЕКЛАМА

Чотқол дарёси бўйида жойлашган

«КОНСТРУКТОР»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Дам олувчилар 5 маҳал овқат билан таъминланади. Турли хил дастурлар ва бассейн болалар ихтиёрида.



Мавсумнинг бошланиши –14. 06. 2013 й.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Ғалаба 1-уй.Тел: 248-15-01; 248-10-03.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г – 511 | 19759 nusxada bosildi | 2345